

МАЪНАВИЯТ ЭНГ ТАСИРЛИ ВА КУЧЛИ ҚУРОЛИМИЗ

Насиба Джуманиёзова Бекмаматовна

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 101-мактаб директори.

Аннотатция: *Маънавият, маърифат, маъно, руҳият, қадрият, миллий анъана, заковат, баркамол авлод, жамият, тараққиёт, индивидуал, эътиқод.*

Калит сўзлар: *Маънавият, миллий қадрият, тараққиёт, заковат, илм, жамият, баркамол авлод.*

Барчамизга маълумки, ўғил-қизларни баркамол қилиб тарбиялашда уларнинг маънавиятини юксалтиришда маънавиятнинг, маърифатнинг алоҳида ўрни бор. Табиатан оғир, характерида нуқсонлари бўлган ва шунингдек, тарбияси оғир ўқувчиларни ҳам рағбатлантириб борсак, уларнинг характери ва дунёқарашида ўзгаришлар бўлади. Уларнинг ота-оналарини ҳам рағбатлантирса, турли ташаккурномалар, мақтов ёрлиғи ва фахрий ёрлиқлар бериб борилса ўқувчи бундан руҳланиб, ёмон иллатларидан воз кечиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб бораверади.

Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ҳамда аجدодлар ўғити билан бирга сингади, -деган нақл бежизга айтилмаган. Ҳаммамизга маълумки, ерга уруғ бир кун кеч сепилса, деҳқон ҳосилни бир ҳафта ёки ўн кун кейин ўриб олади.

Маърифатли, зиёли кишиларнинг ибратли ҳаёти, илмий хазинаси дунё тамаддуни саҳифаларини ҳамон машъала янглиғ ёритиб келади. Халқимизнинг табиати ва тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маънавий тарбия ва маънавий комиллик миллий истиқлол ғоясининг муҳим талабига айланди.

Азал-азалдан “Маънавият” сўзи араб тилига мансуб бўлиб, “маъно” сўзининг жамъини, яъни “моддий бўлмаган нарсалар” маъносида инсоннинг руҳияти, имон-эътиқоди, тафаккури, онги, ақлу заковати, илму фаросати, кийиниш, сўзлашиш, муомала маданияти, миллий ҳамияти, миллий қадрияти, тарбияси каби тушунчаларни мужассамлаштирган яхлит тушунча. Шу жиҳатдан олиб қараганда маънавият ҳар қандай давр ва замонда ҳам, ҳар қандай жамиятда ҳам инсониятнинг бирламчи ва асосий эҳтиёжи, бўлиб келади, унга ҳамиша зарурат сезилади.

Маънавий эҳтиёжни қайси ўринга қўйиши ва намоёиш қилиши билан шахснинг индивидуал хусусияти ҳам, эътиқодий мақоми ҳам, маърифий мартабасию ижтимоий онг даражаси ҳам аниқ белгиланади.

Шу ўринда маърифатга ҳам тўхталиб ўтиш лозим деб биламан. Маърифат — кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълимтарбия. У табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар мажму-асини ҳам билдиради. Маърифат илму урфон маъносида

ҳам ишлатилади. Маърифат тушунчаси маданият, маънавият тушунчалари билан боғлиқ. Маърифат маънавий қарамликни бартараф қилади, инсонга куч-қудрат ато этади. У кишиларни жаҳолатдан қутқаради, бузуқ ишлардан қайтаради, яхши хулқ ва одоб эгаси бўлишга ёрдам беради. Маърифат ли кишилардан ташкил топган жамият равнақ топади, келажаги порлоқ бўлади. Маърифат — билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф уни ёйиш воситасидир. Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими оркали амалга оширилади.

Аччиқ бўлса ҳам тан олиш керакки, бугунги кунда оилаларда китобхонлик кенг тарғиб қилинмаганлиги, ўғил-қизларнинг тарбиясига эътиборсизлик сабабли яъники, “маънавият”сизлиги, “маърифат”сизлиги боис турли хил кўнгилсизликлар юзага келмоқда. ! Бундай вазиятларга ҳамма-ҳаммамиз кўп бора дучор бўлганмиз. Барчамиз ҳали кийим, ҳали озиқ-овқату яна бошқа эҳтиёж заруратидан тез-тез бозорга тушиб турамиз. Ўғил-қизларимизга буюк алломаларимизнинг, шоир ёзувчиларимизнинг асарларини олиб келиб, уларнинг ўқишларини, асар таҳлили, бадий хусусиятларини муҳокама қилиб борсак, ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз. Ана шундай кезларда жамиятнинг асосий бўғини, оиланинг мустаҳкам устунни бўлган аёлларимизни руҳий, маънавий-маърифий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, йўналтириш янада долзарб, янада самарали. Чунки, аёл, аввало, Она! Келажак авлод тарбиячиси, давомчиси, оиланинг маънавият машъали! Шу жиҳатдан, аёл қадр-қимматини, шаънини сақлашга ва юксалтиришга қаратилган ҳар қандай хайрли ташаббусларни юртимизнинг турли ҳудудларида оиласи ва жамият учун ўз соғлиги, куч-ғайрати, билим-заковатини аямай сарфлаб, меҳнат фаолияти олиб бораётган барча салоҳиятли, тарбияли, маърифатли аёллар мамнунлик билан қарши оладилар.

Бир сўз билан айтганда, “Маънавият энг қудратли ва таъсирчан қуролимиз”, сув ва ҳаво янглиғ эҳтиёжимиз, икки дунё саодати калити эканлигини дилдан ҳис қилиш ва ҳамиша унга талпиниб, ундан баҳра олиб яшаш лозим!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Феруза Азимова, Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси.
2. Минҳожиддин Мирзо. Маънавият енгилмас қуролимиз.
3. Интернет манбалари.